

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI: MUAMMO VA YECHIMLAR

**Xalqaro ilmiy konferensiya
2022-yil 22-noyabr**

Oliy ta'lim darajasida amalga oshirilayotgan tadqiqotlarning natijaviy samaradorligini yanada oshirish, professor-o'qituvchilar va mutaxassis-olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot faoliyati asosida yaratilayotgan ilmiy-texnologik ishlanmalarning tegishli sohalarga operativ tatbig'ini ta'minlash ilmiy-innovatsion hamkorlikning asosiy tamoyilidir. Mazkur to'plam O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagi 101-F-sonli Farmoyishi asosida tasdiqlangan "Zamonaviy oliy ta'lim tizimi: muammo va yechimlar" mavzusidagi xalqaro ilmiy konferensiya materiallaridan iborat.

To'plamda Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda raqamli texnologiya va innovatsiyalarning ustuvor yo'nalishlari bilan bog'liq taklif va tavsiyalar ishlab chiqishning dolzarb masalalarini ilmiy-nazariy jihatdan qiyosiy o'rganishga e'tibor qaratilgan.

Xalqaro ilmiy konferensiya maqolalar to'plamini tayyorlash uchun mas'ullar:

Mas'ul muharrir: B.B.Sobirov, texnika fanlari doktori, professor.
NavDPI rektori

Ilmiy muharrir: N.O.Safarova, falsafa fanlari doktori, professor.
NavDPI Ijtimoiy fanlar kafedrası mudiri

Taqrizchilar: E.E.Karimov, tarix fanlari doktori, professor. Nyu York Xofstra universiteti professori (AQSh) YUNESKOning Butunjahon yodgorliklari hujjatli merosini himoya qilish qo'mitasi a'zosi.

Sh.O.Madayeva, falsafa fanlari doktori, professor
O'zbekiston Milliy universiteti falsafa va mantiq kafedrası mudiri,

Texnik muharrirlar: U.Q.Tilavova PhD, M.X.Norqobilov PhD.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

мудофаа курулларининг йўқлиги унинг ўзига ўхшашлар билан бир-бирига ёрдамлашиш ва уларнинг ҳаммасининг унга ва бошқаларга етарли бўлган хизмат билан машғул бўлиш мақсадида жамоат бўлиб тўпланишга мажбур бўлди»²⁰⁶.

Тафаккурнинг инновацион ривожланиши ўзининг умумлашган ва амалий ифодасини Хоразмдаги Маъмун академиясининг фаолиятида топди. Маъмун академияси илмий фаолиятининг муҳим соҳаларидан бирини фалсафа ташкил этган. Шу даврда Хоразмда рўй берган қулай ижтимоий-маънавий шароит, диний бағрикенглик, сиёсий барқарорлик туфайли табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши учун ҳам имконият анча ошган. Албатта, бунинг муҳим омилларидан бири сифатида ушбу академияда тўпланган машҳур олимларнинг, хусусан, ёш бўлишига қарамасдан донғи кетган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, кўпчилик тан олган тажрибали олимлар Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Исо ибн Яхъё ал-Масихий, Абу-л-Хайр ибн ал-Хаммарнинг қомусий билимларга эга бўлганликлари, аксарият замонавий фанларни ўзлаштирганликлари, шу билан бирга фалсафа билан чуқур шуғулланганликларини қайд этиш мумкин. Умуман олганда, тарихий мерос ва ҳозирги ижтимоий жараёнлар тўлалигича илмий-маънавий парадигмаларнинг ўзгаришини ҳам умуммаданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар (жумладан толерантлик)нинг янгиланишини ҳам белгилайди²⁰⁷.

УРАЛ ҲУДУДЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛГАН “МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ

**Х.Қурбонов, тарих фанлари номзоди, доцент-
Навоий давлат педагогика институти, Навоий**

Аннотация. В статье рассказывается о творчестве, образе жизни и судьбе узбекских «безоружных солдат», которые много работали на Урале в годы Великой Отечественной войны и внесли достойный вклад в Победу.

Ключевые слова. Вторая мировая война, Урал, труд, «безоружный солдат», жизнь, судьба, эвакуация, лагеря, исследования

Annotation. The article describes the creativity, the way of living and the destiny of the Uzbek "unarmed soldiers" who worked a lot in the Urals during the World War II and made a worthy contribution to the Victory.

Key words. World War II, the Urals, labor, "unarmed soldier", life, destiny, evacuation, camps, research.

Тарихимизнинг ҳам “қонли”, ҳам “шонли” даврида халқимизнинг мардлик, жасорат ва ватанпарварлик фазилатлари ҳақиқий “синовларда” тобланди.

Яъни, XX асрнинг фожеаларидан бири, инсоният тарихида мисли кўрилмаган йўқотишларга сабаб бўлган, ўз даврида тарихни ўзгартириб юборган Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига не-не кулфату, не-не ғамларни солди.

Ҳали юртдошларимиз XX асрнинг 30-йилларидаги машғум воқеалар, мабурий коллективлаштириш, параллел равишда ўтказилган қулоқлаштириш ва сургун жараёнлари, бу етмагандек 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” сиёсатларининг фожиали оқибатларини ҳали эсидан чиқариб улгурмаган эди.

Бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан Иккинчи жаҳон уруши даври ҳақида кўплаб изланишлар олиб борилиб, тадқиқотлар натижалари юзасидан мақолалар, рисола ва монографиялар чоп этилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” деб номланиши “халқпарвар давлат” яратишди, Янги Ўзбекистонни тараққий эттиришда Бош ва

²⁰⁶ Абу Райҳон Беруний. Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (Геодезия) // Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Фан, 1982. – Б. 63.

²⁰⁷ Ширинов Т. Ш. Ўзбекистон цивилизациявий тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари // Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2006. – Б. 5–8.

асосий омил инсон ва унинг қадри эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу жумладан, дейди Президентимиз: “Инсон қадрини улуғлаш - юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир”, деган фикрларига ҳамоҳанг ҳолда, тарихни, айниқса инсон қадри билан боғлиқ тарихни ўрганишда ўзгача ёндашув бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тарихда бу давр нуқтаи назаридан ўрганганда, айнан Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаркатдаги аскар мақомидаги “қуролсиз аскарлар” тарихи ва тақдирини алоҳида масала сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳарбий йилларда, яъни 1942-1944 йиллар оралиғида Иттифок Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги “ўта махфий” қарори билан Ўрта осиедан 350 минг кишини Урал ҳудудларидаги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарига ишлаб учун сафарбар этилган. Улар орасида 150 минг киши Ўзбекистондан бўлиб, Урал ҳудудларидаги ўнлаб вилоятлардаги 15 та Халқ комиссарлигига қарашли бўлган 111 та²⁰⁸ ишлаб чиқариш объектларига оғир меҳнатга сафарбар қилинган.

Авалги мақолаларимизда “Қуролсиз аскарлар” ким?, Уларнинг категориялари, ҳудудлар бўйича тақсимооти, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалалар бир қисм ёритилган²⁰⁹.

Ушбу мақолада эса, оғир ва машаққатли меҳнат учун ноқулай шароитлар ва меҳнат унумдорлигининг пасайиш сабаблари ҳақида сўз юритишни маъқул билдик.

Ушбу маълумотлар Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ), Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (ГРАСПИ), Челябинск вилояти бирлашган давлат архив (ОГАЧО) ларининг 30 дан ортиқ фондларида сақланаётган бирламчи архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинди.

Меҳнат армиячиларининг кутиб олиниши ва жойлаштирилиши

Ўрта осие ҳарбий округи (ЎОҲО, СОВО – рус тилида) меҳнат армиячилари учун Жанубий Уралга келиш ва озиқ-овқат раціонидagi ўзгаришлар жиддий муаммоларга сабаб бўлди. Яъни, Ўрта осиеликлар учун одатий бўлган озиқ-овқатлар таркиби уларга хос бўлмаган овқатланиш раціонига ўзгарди. Ўрта осие аҳолиси учун хос бўлган гуруч, уй нони, пахта мойи, қўй гўшти ва қўй мойи ўрнига, кўк чой, қурутилган мевалар ва миллий носвойнинг бутунлай йўқлиги шароитида картошка, крупа, қора нон, мол гўшти, мол ва чўчка ёғига ўзгарди.

Шунингдек, иқлимнинг алмашиши ҳам меҳнат армиячиларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса 1943-1944 йилларда Жанубий Уралдаги меҳнат армиячилари сонининг камайишига олиб келди. 1943 йилнинг март ойида Ўрта Осие республикаларидан бўлган ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказган Челябинск шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими меҳнаткашларнинг “касалланишининг асосий сабаблари” сфатида қуйидаги омиллар асос қилиб кўрсатилган:

- иқлимнинг ўзгариши.
- озиқ-овқат таркиби ва раціоннинг ўзгариши (яъни, қуюқ овқатлар, сабзавот ва мевалар кам истеъмол қилинган).
- сув таркибининг ўзгарганлиги (тиббий ташхисларда инвон организмнинг қувватсизланганлигини кўрсатган).
- сафарбар қилинганлар орасида 50 дан 60 ёшгача бўлган ишчилар борлиги ва уларнинг мадори етмаганлиги ва бошқа сабабларни келтириш мумкин.²¹⁰

Меҳнат армиячилари учун яшаш тарзи ва шароитларнинг нобоплиги, ҳаётнинг зерикарли ва бир маромдалиги, истиқомат жойларидаги минимал санитария-гигиена ва маиший шароитлари, иш жойларидаги кучайтирилган меҳнат фаолияти, меҳнат сменасидан кейин меъёрий дам олиш имкониятининг амалда йўқлиги, озиқ-овқат ва кийим кечак таъминоти масалаларининг охиригача ҳал қилинмаганлиги ҳам таъкидлаш жоиз.

²⁰⁸ ГАРФ (Россия Федерациясининг Давлат архиви). Фонд - 9517, рўйхат -1, иш-26, 28-31-варақлар.

²⁰⁹ Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси. // Водийнома, 2019. №3 (14). – Б.2-31; Шамсутдинов Р., Қурбонов Х. Меҳнат армиячилари – “Қуролсиз аскарлар”нинг ғалабага қўшган ҳиссасига доир // Водийнома, 2020. №2 (17). – Б.8-25; Шамсутдинов Р., Хошимов С., Қурбонов Х. “Қуролсиз аскарлар” // Водийнома, 2020. №3 (18). – Б.58-62 ва б.

²¹⁰ ОГАЧО (Челябинск вилояти бирлашган давлат архиви). Фонд - П-297, рўйхат – 2, иш -876, варақ - 8.

Бундай ҳолатларда инсонлар ўлими ҳам кўпайган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тушликда биринчи ва иккинчи овқат берилган вақтда ўрта осиелик меҳнат армиячилари колбача, котлет, пишлоқ, айрим балиқ турларидан тайёрланган овқатларни ейишмаган. Бунда, ислом динида ман қилинган ҳайвон гўштлиридан фойдаланилган деган, хулосага келишган эди. Шунинг учун, аксарият меҳнаткашлар иккинчи овқатни сотишган ва пуллари асраб юришган. Мисол учун: “Копейскўмир” трестида вафот этган шахтёрларнинг бирининг чопонига тикилган 15000-20000 сўм пул топилган ва бу ҳолатлар ягона бўлмаган²¹¹.

1943 йилда Жанубий Уралдаги меҳнат армиячиларининг сонининг камайишини куйидаги жадвалда маълумотларида кўриш мумкин.

ЎОҲО меҳнат армиячилари сонининг Жанубий Уралда қисқариши сабаблари, 1943 йил 31 декабр ҳолати²¹².

Кўрсаткичлар/ кетиш сабаблар	Челябинск вил.		Чкалов вилояти		Жанубий Урал	
	Меҳнат армияч илари/ кишии	Умум. сонига %	м/а, киши	Умум сонига %	м/а, киши	Умум сонига %
Касаллик	4275	47,30	маъ. йўқ	маъ. йўқ	4275	40,7
Дезертирлик	2878	31,84	708	43,46	3586	33,61
Ўлим	1105	12,22	452	27,75	1557	14,60
Уйига жўнатилган	609	6,74	457	28,05	1066	9,99
РККА чақирuvi	54	0,6	маъ. йўқ	маъ. йўқ	54	0,51
Жиноий жавоб.к	24	0,27	12	0,74	36	0,34
Сабаби кўрсатилмаган	94	1,03	маъ. йўқ	маъ. йўқ	94	0,88
Жами:	9039	100,00	1629	100,00	10668	100,00

Жанубий Уралдаги ЎОҲО меҳнат армиячилари сони қисқаришининг асосий сабаби турли касалликлар (40,07%), дезертирлик (33,61%), ўлим (14,60%) ва Ўрта Осиё аҳолисининг жисмоний ҳолатининг кучсизлиги асосий сабаблиги кўриниб туради.

Буларнинг барчаси биргаликда ўрта осиелик ишчилар сонининг нафақат қисқаришига балки уларнинг ахлокий-руҳий ва жисмоний ҳолатининг пасайишига ҳам олиб келди.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг Челябинск ва Чкалов вилоятларидаги сонининг қисқаришида вазият Ўрта Осиё республикаларида яшаб турган ва меҳнат қилаётган ҳудудлар билан ўхшаш эди.

Меҳнат армиячиларини кутиб олиш ҳам турли корхоналарда турлича бўлган. Масалан, Чкалов вилояти Новотроицк шаҳрида ОСМЧ-23 раҳбарияти ЎОҲО меҳнат армиячилари учун тоза ва ёруғ ётоқ жойлар ва кўрпа-тўшак буюмлари қўйилган ётоқхона, яъни жами 16 та уйни тайёрлаганлар. Орск шаҳрида Ўрта Осиёликларни етказиб келган эшелонни кутиб олиш учун Чкалов номидаги нефть ҳайдаш заводи учун сафарбар қилинган меҳнат армиячилари бўлган эшелонни мусиқалар билан кутиб олишган, чой тайёрланган, шу ерда меҳнат армиячиларининг завод ишчилари билан танишуви бўлиб ўтган. Шундан сўнг Ўрта осиеликларни дезинфекцияга, сартарошхона ва ҳаммомга юборилганлар.

Жанубий Урал никель комбинати курувчилари бўлган ЎОҲО меҳнат армиячилари учун маъмурият томонидан ётоқхоналарда тоза кўрпа-тўшакли ўринлар тайёрланган. Аммо, Миасса шаҳрида эса 1943 йил баҳорида ЎОҲО меҳнат армиячилари келиши арафасида ётоқхоналар тайёр эмас эди. 1944 йил январида бу масалада ўзгариш юз бермади, архив ҳужжатларида “ўрта осие республикаларидан келган ва Сталин номидаги №661 заводда меҳнат қилаётган ишчилар жуда оғир шароитларда яшамоқдалар, ётоқхоналар жиҳозланмаган” деган ёзувлар қайд этилган²¹³.

²¹¹ ОГАЧО. Фонд - П-297, рўйхат – 2, иш – 876, варақ - 33.

²¹² ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақлар 3-5, 7, 8, 11, 41, 43, 45, 49, 50, 53, 59, 60, 86.

²¹³ ОГАЧО. Фонд – 1025, рўйхат – 1, иш – 32, варақ - 32.

1943 йил мартда Куйбишев (ҳозирги Самара) вилояти корхоналарида ўрта осиедан сафарбар қилинган 6714 меҳнат армиячиси иш бошлаган. №309 (881 нафар) ҳамда ОСМЧ-52 (833 нафар) жами 1714 киши меҳнат қилган. Йил охирига келиб ишлаб чиқаришда атига 1100 киши қолиб, бу кўрсаткич 35,82% камайиб кетган. 1943 йилнинг март-апрел ойларида Куйбишев вилоятида 1979 нафар ишчилар қолган, бу эса сафарбар қилинганларнинг 29,48% ташкил қилган²¹⁴.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг Жанубий Уралдаги миқдори ўзгаришининг тўлиқ манзарасини Челябинск ва Челябинск вилоятининг алоҳида хўжалик объектларида 1943 йил январда ОСМУда 2225 нафар Ўрта осиеликлар ишлаган бўлса, бир йилдан кейин корхонада 93 нафар ишчи қолган, холос.²¹⁵

Челябинск вилояти, Миасс шаҳридаги “МАЗИС” автомобиль заводида 1943 йил баҳорида Ўрта Осие республикаларига 802 киши сафарбар қилинган бўлиб, 1944 йилнинг 1 январиди 557 нафарга камайиб 245 нафар киши қолган. Шундан 346 нафар меҳнат армиячилари касаллик, 211 нафар эса жанжал чиқарганликлари учун ортга қатариб юборилган²¹⁶.

1944 йилнинг 1 январ ҳолатида Челябинск вилоятининг айрим корхоналарида ЎОҲО меҳнат армиячилари умуман қолмаган. Хужжатда қайд этилишича, ишчилар “касаллик, бошқа қурилишлар, армияга юбориш сабабли улар Тошкент шаҳридаги металлургия заводи қурилишига жўнатилган”²¹⁷.

Ҳисоботларга кўра 1943 йил Челябинск вилояти корхоналари ва хўжалик субъектларидан 8394 нафар Ўрта Осиелик меҳнат армиячилари турли сабаблар билан кетиб қолган²¹⁸.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг жуда кўпчилиги рус тилини яхши билмасликлари, амалий малака ва ишчи касбларигага эга бўлмаганлиги, техника хавфсизлиги қоидаларидан тўлиқ таниш бўлмаганликлари туфайли иш фаолиятида мураккабликларни келтириб чиқарган. Шу сабабли, корхоналардаги иш кучи тақимотида сон жиҳатдан тўлиқ, аммо сифат жиҳатдан самара бермаган ҳолатлар ҳам кўп бўлган²¹⁹.

1943 йилнинг иккинчи ярмидан Жанубий Уралга янги меҳнат армиячиларининг сафарбар этилишининг тўхтатиш вақти етган эди. Бунинг бир нечта сабаблари бўлиб, асосийси, Давлат мудофаа кўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли қарорида белгиланган асосий кўрсаткичлар бўйича режа бажарилган эди.

Аммо, хужжатлардан аниқланишича бу ҳолат бўйича меҳнат армиячиларини жалб этиш тўла тугалланмаган эди.

Қолаверса, 1943 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осие республикаларининг ўзида ҳам саноат ва ишлаб чиқариш объектларининг янгилари қурилиши, амалдагиларини кенгайтириш жадаллик билан олиб борилди. Бу объектларнинг қурилишини мувафакқиятли якунлаш ва ишга тушириш учун муайян миқдордаги ишчи кучи талаб қилинар эди. Айнан ўша вақтда Ўрта Осие минтақасида мудофаа саноати корхоналари учун кўрсатилаётган даврда ишчи кучи етишмовчилиги 17 000 кишини ташкил қилар эди²²⁰.

Давлат мудофаа кўмитасининг қарор ва фармойишлари билан Ўрта Осие республикаларида саноат, қурилишда меҳнат қилиш учун 1943 йилнинг октябридан 1944 йил октябри ойига қадар ЎОҲО ҳарбий мажбуриятлиларидан 24700 киши жалб қилинди.

Бундан ташқари айтилаётган даврда ДМҚ (Давлат мудофаа кўмитаси) томонидан мазкур регионнинг турли масалаларига оид, биринчи навбатда бажарилиши зарур ишчи кучини жалб қилишни талаб қиладиган саноат соҳасида оид 27 хужжат қабул қилинди.

Давлат мудофаа кўмитасининг 1943 йил 17 октябрдаги “Ўрта Осие республикалари ҳарбий мажбуриятлилари ва бошқа аҳолисини республика ҳудудларидан ташқаридаги ишларга сафарбарлик қилмаслик ва мазкур республикалардан бўлган ишчиларига хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги №4348 Қарори қабул қилинганидан кейин ҳам ЎОҲО меҳнат армиячиларини ўз ҳудудидан ташқарида бўлган саноат ва қурилиш ишларига сафарбар қилиш

²¹⁴ РГАСПИ. Фонд – 17, рўйхат – 122, иш – 50, варақлар - 26, 27.

²¹⁵ ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақ - 5.

²¹⁶ ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақ - 41.

²¹⁷ ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақ - 8.

²¹⁸ ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақлар – 3-5, 7, 8, 11, 41, 43, 45, 49, 50, 53, 59, 60.

²¹⁹ Ермолов, А.Ю. Танковая промышленность СССР в годы Великой Отечественной войны. М., 2009. - С.115.

²²⁰ РГАСПИ. Фонд – 17, рўйхат – 122, иш – 37, варақ - 69.

тўхтамади²²¹. Жумладан, ИИХК (Ички ишлар халқ комиссарлиги) учун металлургия заводлари бунёд этаётган икки қурилиш бошқармаси – ИИХК ЧМЗ (Челябинск металл заводи) ва “Закавказметаллургстрой”²²² учун ишчи кучини етказиб бериш давом этди.

1944 йил 13 апрелдан 24 сентябргача муддатда Ўрта Осиё республикаларидан 4403 киши Грузиядаги ушбу қурилишга жўнатилган²²³. Шунингдек, 1944 йилда жами бўлиб Ўрта Осиё республикаларидан ИИХК турли ҳудудларда амалга ошираётган саноат объектлари қурилишларига 16 192 киши жўнатилган²²⁴.

Бу даврга келиб ЎОҲО меҳнат армиячиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгарди. 1944 йил октябрда ЧМС ҚБ (Қурилиш бошқармаси) кадрлар бошқармаси бошлиғи ва турар-жой коммунал бўлими бошлиғи уларни “қурилишда келгусида ишлаши учун эркин ёллаш асосида расмийлаштириш ва яхшиланган маиший шароитларни, ётоқхона ва кўрпа-тўшак билан таъминлаш”, белгиланган муддатни ЧМС ҚБ ёки ЧМЗ ишлаб чиқариш цехларида ишлаб беришлари учун “эркин ёлланганлар” тоифасига ўтказиш”, тўғрисида кўрсатма олади²²⁵. Бу шартларни бажариш учун ҳар бир ходим билан алоҳида меҳнат шартномалари тузилган.

1945 йил январь-май ойларида собиқ ЎОҲО меҳнат армиячиларининг меҳнатга яроқли контингентидан 1000 нафар киши янги мақомга эга бўлди²²⁶.

Жанубий Урал саноат ва қурилиш объектларида ЎОҲО меҳнат армиячиларининг жойлашуви, 1942 йил кузи - 1944 йил ёз фасли

ССР Иттифоқи халқ комиссариати	объект	Вилоят, аҳоли пункти
1	2	3
Автомобилсозлик	“ЗИС” темирчилик-пресслаш заводи	Челябинск шаҳри
	“Автозапчасть” заводи	Чкалов шаҳри
Автомобилсозлик, ИИХК, қурилиш бўйича	“МАЗИС” Урал автомобиль заводи	Челябинск вилояти, Миасс шаҳри
Ўқ-дорилар	№78 завод	Челябинск шаҳри
Ўқ-дорилар, қурилиш бўйича	№114, №259, №611 заводлар	Челябинск шаҳри
Қурол-яроқ	№24 Қурилиш бошқармаси	Челябинск шаҳри
	№24 завод	Челябинск вилояти, Златоуст шаҳри
Ўрмон саноати	Ёғоч заводи	Челябинск вилояти, Юрюзань шаҳри
	Кусинский ўрмон сан.хўжалиги Няз-Петровский ўрмон сан.хўжалиги Саткинский ўрмон сан. Хўжалиги Уфалейский ўрмон сан. хўжалиги	Челябинск вилояти
	Ёғоч заводи	Чкалов вилояти
Машинасозлик, ИИХК	С.Оржоникидзе номидаги завод	Челябинск шаҳри
Нефть саноати	Чкалов номидаги нефтни қайта ҳайдаш заводи	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
Қурилиш бўйича	“Аргазистрой” қурилиш бошқармаси	Челябинск вилояти
	256-қурилиш бошқармаси	Чкалов шаҳри
Қурилиш бўйича, ИИХК	Челябинск 1-ИЭЦ	Челябинск шаҳри
	ЧМЗ ИЭЦ	

²²¹ РГАСПИ. Фонд – 644, рўйхат – 1, иш – 164, варақ - 92.

²²² РГАСПИ. Фонд – 644, рўйхат – 1, иш – 220, варақлар – 226-232.

²²³ ГАРФ. Фонд - Р-9414, рўйхат – 1, иш – 1222, варақлар - 13, 20, 25, 27, 36, 41, 43.

²²⁴ ГАРФ. Фонд - Р-9414, рўйхат – 1, иш – 1222, варақ - 77.

²²⁵ ОГАЧО. Фонд - Р-1619, рўйхат – 2, иш – 19, варақ - 73.

²²⁶ ОГАЧО. Фонд - Р-1619, рўйхат – 2, иш – 16, варақлар - 71, 91.

	Орско-Халиловский металлургия комбинати	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
Алоқа йўллари	“Челябинск” т/й станцияси турар-жой дистанцияси паровоз бўлими 7 йўл дистанцияси № 20, №24 ҚБ	Челябинск шаҳри
	Баландино т/й станцияси “Картали” т/й станцияси “Троицк” т/й станцияси	Баландино кўрғони Картали шаҳри Троицк шаҳри
	Паровоз таъмирлаш заводи	Чкалов шаҳри
Электростанциялар қурилиши	Орск ИЭЦ	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
1	2	3
Электростанциялар қурилиши	Зиёратқўл ГЭС	Челябинск вилояти, Зиёратқўл кўрғони
Танк саноати, ИИХК, қурилиш бўйича	Челябинск Киров заводи	Челябинск шаҳри
Кўмир саноати	“Еманжелисккўмир” трести “Копейсккўмир” трести “Коркинокўмир” трести “Челябкўмир” трести “Камишин” кон бошқармаси “Коркино” кон бошқармаси	Челябинск вилояти, Еманжелинск кўрғони Копейск шаҳри Коркино кўрғони
	“Домбаршахтестрой” “Чкаловкўмир” трести	Чкалов вилояти, Домбаровка кўрғони
Рангли металлургия	Мис эритиш заводи	Карабаш шаҳри
	Механика заводи Оловбардошли маҳсулотлар заводи Электрод заводи	Челябинск вилояти, Киштим шаҳри
	Никель заводи	Челябинск вилояти, Уфалей шаҳри
	Мис-олтингутурт заводи	Чкалов вилояти Медногорск шаҳри
	№1 кон бошқармаси Жанубий –Урал никель комбинати	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
Қора металлургия	Металлургия заводи	Челябинск вилояти Златоуст шаҳри Катав-Ивановск шаҳри Сатка шаҳри Чебарқўл кўрғони
	Металлургия комбинати	Челябинск вилояти, Магнитогорск шаҳри
	Ворошилов номидаги ферроқотишмалар заводи Трубопрокат заводи	Челябинск шаҳри
	Шамот заводи	Чкалов вилояти, Новотроицк шаҳри
	Металлургия заводи	Челябинск шаҳри
	Ғишт заводи	Потанино кўрғони

ИИХК, ЧМС	Курилиш бошқармаси	Бакал кўргони
	Қишлоқ хўжалиги участкалари	Челябинск вилояти: Баландино қишлоғи Тургояк кўргони Муслимово кўргони Кунашак кўргони

ЎОҲО меҳнат армиячилари Жанубий Уралга етиб келгандан сўнг Челябинск ва Чкалов вилоятларининг марказларида бўлган саноат ва қурилиш объектларига, шунингдек Челябинск ва Чкалов вилоятларининг аҳоли пунктларига тақсимот қилинди, у ерда улар тегишли халқ комиссариатларининг ходимлари каби умумий асосларда меҳнат қилишди. Бундан ташқари ЎОҲО меҳнат армиячилари СССР ИИХК назорати остида амалга оширилаётган янги саноат корхоналари ва объектлари қурилишида иштирок этдилар. Бундай ҳолларда Қозоғистон ССР ва Ўрта осий республикаларидан бўлган ишчилар иккиёқлама ҳолатга тушиб қолдилар. Бир томондан ЎОҲО меҳнат армиячилари эркин ёлланувчилар ҳуқуқида меҳнат қилиб юридик жиҳатдан мамлакатнинг эркин фуқаролари бўлиб ҳисобланган. Бошқа томондан уларга нисбатан ИИХК ҳуқуқий талаблари жорий этилиб МАТЛ (меҳнат армиячилари тузатув лагери) учун белгиланган яшаш тартиби, меҳнат фаолияти, иш ҳақи тўлови, рағбатлантириш, жазолаш, озик-овқат меъёри ва кийим-кечак таъминоти лагерь аҳолисининг бошқа контингентлари (маҳбуслар ва совет немислар меҳнат армиячилари) бир хил эди.

“ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ”

**А.М.Кадилов-
БухДу профессори**

Мустақиллик шарофати билан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини давлатимиз раҳбарининг “бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юрти битирувчиларининг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизимига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади” – деган фикрларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Мазкур фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, тафаккурини ривожлантириш жараёнига, яъни таълим-тарбия жараёнига ҳамда билим даргоҳларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин, бу ўз навбатида талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш заруриятини ҳам белгилайди.

Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни уларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, уларда ғурур, ор-номус, меҳр каби қатор туйғуларни, яъни миллий менталитетимизга мос ва хос туйғу ва хусусиятларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур жараёнда талабаларга мустақилликнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурияти ҳақида тушунчалар берилиши натижасида, яъни мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш талабаларда ҳаётга, ўқишга ва меҳнат қилишга, ота-онага, дўстлари ва бошқа яқинларига, тенгдошлари ва танишларига, умуман олганда халқимиз ва миллий бойлигимизга, Ватанамиз ва Давлат рамзларига, умуммиллий қадриятлар ва миллий урф-одатларимизга эғалик қилиш ҳамда ўз вақтида ҳимоя қила олиш масъулиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Талабаларда мустақилликнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурияти ҳақида, шунингдек, мустақилликка эришишни орзу қилиб яшаб ўтган буюк алломаларимиз, ота-боболаримизнинг

РУС ТИЛИГА КАЛЬКА АСОСИДА ЎЗЛАШГАН АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ИМЛОСИ Махаммадов Б.- ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари, НавДПИ.....	166
ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ Воҳидова М.Т.- доцент, “Ижтимоий фанлар” кафедраси, Тўлкинов С.- Технологик жараёнларни бошқариш технологияси факультети талабаси, БухМТИ.....	168
УРАЛ ҲУДУДЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛГАН “МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ Х.Қурбонов, тарих фанлари номзоди, доцент- Навоий давлат педагогика институти, Навоий.....	170
“ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ” А.М.Кадиров- БухДУ профессори.....	176
МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН АҚЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА БАЙНАЛМИНАЛ АҲЛОҚИЙ, ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ Кадыров Ариф Махмудович – БухДУ профессори Кадирова Нозима Арифовна-БухДУ уқитувчиси.....	177
ЁШЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Равшанов Ойбек Хайруллаевич Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси.....	179
MAHMUD QOSHG'ARIYNING “DEVONU LUG'OTIT TURK” ASARIDAGI SHE'RIY TO'RTLIKLAR Tahlili Hojiyeva M.E.- 2-kurs magistr, NavDPI.....	183
ТРАНСПОЗИЦИЯ ИМПЕРАТИВА В СОВРЕМЕННОМ РУССКОМ ЯЗЫКЕ Жумаева Ф.Р., Каххарова Д.Ш.- Навоийский государственный педагогический институт.....	184
TARIXIY DRAMADA PLEONAZMNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI Yo'ldosheva D.X.- 1-bosqich tayanch doktoranti,NavDPI.....	187
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ҚАДРИЯТЛАРГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ Мансурова М.Ю. – “Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти.....	189
ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАСВИРИЙ САВОДХОНЛИККА ОИД КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Комилова Д.- 2- курс магистр, НавДПИ.....	191
O'ZBEKISTON VA INGLIZABON MAMLAKATLAR MA'DANIYATINI O'RGATISHDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH Mamurova F.N. –magistr, NavDPI.....	193
ВАЖНЕЙШИЕ ПРИОРИТЕТЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ	

Сайидова М.Г.— старший преподаватель кафедры «Общественно-гуманитарных дисциплин» химико-металлургического факультета Навоийского горно-технологического университета.....	196
СЕМЬЯ И СЕМЕЙНЫЕ ЦЕННОСТИ – ВАЖНЫЙ ФУНДАМЕНТ В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ Рахматова М.Ш.-преподаватель кафедры русского языка и литературы, НавГПИ.....	198
ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ УПРАЖНЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА Халилова Н.Э.-учитель русского языка школы №18 г. Навои, Узбекистан.....	200
СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТРАДИЦИОННОГО И ИНТЕРАКТИВНОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ Мусаева Б.М.- преподаватель, НавГПИ.....	202
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ Султанова Л.С.- катта ўқитувчи, БухМТИ Мирзаева Ф. –талаба, БухМТИ.....	204
SHARQ MUTAFFAKIRLARINING MA'NAVIY – AHLOQIY QARASHLARI To'qboyeva D.Z. - o'qituvchi, NavDPI.....	206
ПОЭТИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО ЭРКИНА ВАХИДОВА Усарова Ш.- учительница, школы № 13 города Навои.....	208
SHARQ MUTAFAKKIRLARI IJODIDA SHAXS MA'NAVIY QIYOFASINI SHAKLLANTIRISH Izbosarova F.- Navoiy viloyati Xatirchi tumani 20-IDUM boshlang'ich sinf o'qituvchisi.....	210
ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI:MUAMMO VA YECHIMLAR Naviy davlat pedagogika instituti doktoranti Ochilova Maftuna.....	211
ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАГИ ТАЛҚИНИ Қодирова М.Ғ.- таянч докторант, НавДПИ.	213
TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETETLIGINI RIVOJLANTIRISH NAZARIYASI VA METODIKASI Jalolov Shavkat Choriyevich - katta o'qituvchi Navoiy davlat pedagogika instituti San'atshunoslik fakulteti.	214
FONETIK-FONOLOGIK VOSITALARNING SHE'RIYATDAGI O'RNI Davlatova Ra'no Norquvatovna - NavDPI O'zbek tili va adabiyoti fakulteti 2-bosqich magistranti	217
ВОСТОЧНЫЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСКОМ НАСЛЕДИИ ЕСЕНИНА Собирова Ш.- магистрант 1 курса, НавГПИ Научный руководитель: доц. Рахманова А.Х.	218

ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI:
MUAMMO VA YECHIMLAR

Xalqaro ilmiy konferensiya,
2022-yil 22-noyabr

© Навоий давлат педагогика институти, 22.11.2022 й.

Босишга рухсат берилди: 22.11.2022 й. Қоғоз бичими 80х64. 1/8

Ҳажми 27. босма табоқ. Адади 100 нусха.

Босмахона манзили: Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси 45-уй,
НавДПИ кичик босмахонаси
